

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ҲУҚУҚ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган

Қонунчиликдаги янгиликлар

ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ



Мазкур ва бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан www.norma.uz сайтидаги эркин кириладиган «Қонунчиликдаги янгиликлар» рукнида танишиб чиқишингиз мумкин.

БЎШ ТУРГАН ДАВЛАТ МУЛКИ ОБЪЕКТЛАРИДАН ҚАНДАЙ Фойдаланилади?

Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 8 сентябрдаги «Давлат мулки объектларидан оқилона фойдаланиш ва уларни тасарруф этишни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 251-сон қарори билан бўш турган ва фойдаланилмаётган давлат мулки объектларининг аниқланган рўйхати (1 333 та объект) ҳамда бўш турган ва фойдаланилмаётган давлат мулки объектларидан оқилона фойдаланиш ва бўш турган ва фойдаланилмаётган 127 та давлат мулки объектлари бўйича муайян таклифларни ўз ичига олувчи уларни тасарруф этиш чора-тадбирлари дастури белгиланди.

Ҳужжат билан тегишли таклифлар тайёрлаш бўйича Ишчи комиссия таркиби (бундан кейин – Ишчи комиссия) тасдиқланди.

Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасига тегишли вазирликлар ва идоралар билан биргаликда 2011 йил 1 декабрда аниқланган объектларни улардан фойдаланишнинг замонавий талабларига мувофиқлиги юзасидан техник кўриқдан ўтказишни таъминлаш ҳамда ҳар бир объект бўйича улардан бундан кейин фойдаланиш имкониятлари, шу жумладан фаолият йўналиши бўйича фойдаланиш имконияти ёхуд бузиб ташлаш зарурлиги тўғрисида хулоса бериш топширилди.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, шунингдек объектларни балансда сақловчилар билан биргаликда 2012 йил 1 январгача бўлган муддатда юқорида келтирилган хулосалар асосида:

а) тадбиркорлик субъектларини жойлаштириш учун уларнинг базасида кичик саноат майдончалари барпо этиш учун – муҳандислик-коммуникация тармоқлари мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда;

б) ёш оилалар ва вояга етган етим болалар учун турар жойларга, шунингдек бошқа ижтимоий инфратузилма объектларига қайта ихтисослаштириш учун – молиялаштириш манбалари мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда;

в) кейинчалик сотиш, ижарага бериш ёки тадбиркорлик

2-бетда

Таҳлил ва таклиф

АВИАЧИПТАНИ ХАРИД ҚИЛИШ: ЯНГИ ҚОИДАЛАР

Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 1 августдаги «Авиаташув хизматлари амалга оширилишини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» қарори (бундан кейин – 224-сон қарор) чиққан пайдан бошлаб газетамиз номига авиачипталарни реализация қилиш чоғида янги жорий этилган меъёрларни қўллашга тааллуқли бўлган бир қатор мурожаатлар келиб тушди.

Газетхонларимизда қуйидаги вазиятларда саволлар юзага келмоқда:

авиачипталарнинг харидори юридик шахс – Ўзбекистон Республикасининг резиденти бўлиб, у авиачиптани корхона ходими – Ўзбекистон Республикасининг норезиденти учун харид қилди;

авиачипталар жўнатиш пункти ҳам, тайинланган пункт ҳам Ўзбекистон Республикасидан ташқарида жойлашган участкаларни ўз ичига олган авиайўналишлар бўйича харид қилинади.

Таҳлилнинг кўрсатишича, мавжуд ҳуқуқий ҳужжатлар ушбу саволларга қатъий жавоб бериш имконини бермайди. Экспертларимиз томонидан тайёрланган материалларда кўрсатилган вазиятларнинг эҳтимолий талқинлари берилиб, ушбу соҳадаги қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш бўйича таклифлар киритилган.

Юқорида айтилган қарорга биноан, авиакомпаниялар, уларнинг вакиллари ва агентлари томонидан авиачипталарни Ўзбекистон Республикасининг резидентлари ва норезидентларига реализация қилишни тартибга солиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилди:

«1. Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 28 июндаги «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» 235-сон қарорининг 2-бандига биноан жўнатиш пункти ҳам, тайинланган пункт ҳам Ўзбекистон Республикасидан ташқарида жойлашган авиаташишлар участкаларига тааллуқли бўлган қисмида авиакомпаниялар ва уларнинг агентлари томонидан Ўзбекистон Республикаси резидентлари ва норезидентларига авиачипталар фақат чет эл валютасида реализация қилиниши маълумот учун қабул қилинсин.

2. 2011 йил 5 августдан қўшимча тартиб жорий этилиб, унга мувофиқ авиакомпаниялар, уларнинг ваколатхоналари ва агентлари томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қуйидагиларга авиачипталарни реализация қилиш фақат чет эл валютасида амалга оширилади:

бутун авиаташишнинг бошланғич жўнатиш пункти Ўзбекистон Республикасидан ташқарида жойлашган бўлса, Ўзбекистон Республикаси резидентларига;

Ўзбекистон Республикаси норезидентларига.

3. Белгилансинки, мазкур қарорнинг 1 ва 2-бандларида кўрсатилган авиаташишларга авиачипталар миллий валютада сотилган тақдирда, давлат солиқ хизмати органлари авиакомпаниялар ёки авиакомпанияларнинг ваколатхоналари ёхуд уларнинг агентлари зиммасига сотиш суммасининг 100 фоизи миқдорида жарима солиб, уни давлат бюджетидан тармоқда ундирадилар. Авиакомпаниялар ёки авиакомпанияларнинг ваколатхоналари ёхуд уларнинг агентлари айбни тан олмаган ва жаримани ихтиёрий равишда тўлашдан бош тортган ҳолларда – жарима суднинг қарори бўйича қўлланади».

4-бетда

Бевосита мулоқот. Тел. 200-00-59

ЖАВОБНИ ШАРТНОМАДАН ИЗЛАНГ



Фуқаролик-ҳуқуқий шартнома бўйича жалб этилган юрист шартномаларга виза қўйиши шартми? Тадбиркор.

– Ҳаммаси фуқаролик-ҳуқуқий шартноманинг шартларига боғлиқ. Унда жалб этилган юрист қандай хизмат турларини кўрсатиш мажбуриятини олиши кўрсатилиши керак. Агар унда хизматларнинг аниқ турлари эмас, балки умумий турлари, масалан, «ижрочи юридик хизматлар кўрсатиш мажбуриятини олади» деб кўрсатилган бўлса, ушбу тушунча, одатда, шартномаларга виза қўйишни ҳам ўз ичига олади. Тинч йўл билан ҳал қилиш мумкин бўлмаган низо юзага келган тақдирда мазкур масала фақат суд тартибида ҳал қилиниши мумкин. Низоли вазиятларга йўл қўймаслик учун шартномалар тузиш чоғида ҳар доим иккала тараф ўз зиммасига оладиган аниқ мажбуриятлар рўйхатини аниқ-равшан белгилаш тавсия қилинади.

Телефон орқали саволларга «Норма» МЧЖ юрисконсульти Мария ТУХТАРОВА жавоб берди.

ҲАЛ ҚИЛУВЧИ СЎЗ МУАССИСНИКИ



Биз уюшма шаклида нодавлат нотижорат ташкилотини барпо этмоқчимиз. Унга давлат ва нодавлат корхоналари муассис бўла оладиларми?

Бухгалтер.

– Уюшма – юридик шахсларнинг нотижорат бирлашмаси (Фуқаролик кодексининг 77-моддаси). Ҳар қандай тижорат ташкилотлари ўзларининг тадбиркорлик фаолиятларини мувофиқлаштириш, шунингдек муштарак мулк манфаатларини ифода этиш ҳамда химоя қилиш мақсадида уюшмага бирлашишлари мумкин. Шу тариқа, нодавлат тижорий юридик шахслар (МЧЖ, АЖ, ХК ва бошқалар) мазкур бирлашманинг иштирокчиси бўла оладилар.

Давлат корхоналари тўғрисидаги низом (ВМнинг 2006 йил 16 октябрдаги 215-сон қарорига 1-илова) 2-бандининг иккинчи хатбошисига мувофиқ давлат корхонаси – давлат унитар корхонаси шаклидаги тижорат ташкилотидир. Мазкур меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатнинг 4-бандига кўра, давлат корхонаси фақат муассис розилиги билан нотижорат ташкилотлар қатнашчиси (аъзоси) бўлиши мумкин.

Телефон орқали саволларга «Норма» МЧЖ эксперт юридик хизматининг бошлиғи Артём МОКШИН жавоб берди.

УШБУ
СОҒДА

1-3-бетлар

Қонун ҳужжатларига
қисқа шарҳ

\$1 = 1744,25 сўм

5-бет

Бузилаётган уй
қандай баҳоланади?

€1 = 2389,84 сўм

6-7-бетлар

Октябрда кимлар
текширилади

£1 = 2737,43 сўм

8-бет

Эълонлар

¥10 = 226,79 сўм

ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ

1-бетда

субъектлари иштирокида ташкил этиладиган устав фондига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат улуши сифатида киритиш учун;


г) бўшаб қоладиган ер участкаларини кейинчалик маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тасарруфига берган ҳолда белгиланган тартибда бузиладиган объектларнинг рўйхатларини аниқлаб улардан бундан кейин оқилона фойдаланиш ва тасарруф этиш бўйича Ишчи комиссияга асосли таклифлар киритишлари керак.

Бюджет маблағлари ва объектларни балансда сақловчиларнинг бюджетдан ташқари даромадлари, маҳаллий бюджетлар даромадлари прогнози ошириб бажарилишидан олинган маблағлар, объектлар бузилгандан кейин қоладиган қурилиш материалларини сотишдан тушадиган маблағлар, шунингдек давлат мулкни сотишдан олинган, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ихтиёрида қоладиган маблағлар Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг давлат архитектура-қурилиш назорати ҳудудий инспекцияларининг хулосаларини олиш ва объектларни бузиш билан боғлиқ харажатларни қоплаш манбалари этиб белгиланган.

Давлат мулки қўмитасига Савдо-саноат палатаси ва бошқа манфаатдор органлар билан биргаликда ижарага бериш ёки сотиш учун тадбиркорлик субъектларига таклиф этилаётган фойдаланилмаётган бинолар ва хоналар, шунингдек қурилиши тугалланмаган объектлар бўйича Интернет тармоғида ахборот базасини ташкил этиш ва уни дўрий равишда янгилаб бориш топширилган.

ТМЭКлар РЎЙХАТИ ҚАЙТА КЎРИЛДИ

Молия вазирининг буйруғи (АВ томонидан 2011 йил 5 сентябрда 2261-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Ихтисослаштирилган, туманларо ва туман (шаҳар) тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари рўйхатига (Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 2 сентябрдаги 193-сон қарори билан тасдиқланган) киритилган ўзгартиришларга мувофиқ 20 дан ортик тиббий-меҳнат эксперт комиссияларининг хизмат кўрсатиш ҳудуди ҳамда



уларнинг даволаш-профилактика муассасаларига бириктирилиши қайтадан кўриб чиқилди.

2011 йил 15 сентябрдан кучга кирди.

ЕР ОЛИШ ВА ҚУРИЛИШНИ РАСМийЛАШТИРИШДАГИ ЎЗГАРТИШЛАР

Давлат архитектура ва қурилиш қўми-

тасининг қарори (АВ томонидан 2011 йил 8 сентябрда 1036-1-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Инвестиция лойиҳасининг дастлабки рухсат берувчи ҳужжатлари таркиби, уларни ишлаб чиқиш, келишиб олиш ва тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритилди. Уларга мувофиқ, бошланғич рухсат бериш ҳужжатларига энди қуйидагилар кириди:

ер участкаси берилишидан манфаатдор бўлган юридик ёки жисмоний шахснинг сўралаётган ер участкаси жойлашган туман (шаҳар) ҳокимига йўлланган аризаси, унда ер участкасидан фойдаланиш мақсадлари ва муддатлари, жойлашган жойи ва бошқа маълумотлар кўрсатилади (бундан олдин – тегишли ариза-хат);

ер участкасини танлаш тўғрисидаги баённома, унда ер участкаларида бинолар ва иншоотларнинг мавжуд ёки мавжуд эмаслиги, ер участкасининг тавсифи ва бошқа маълумотлар кўрсатилади (бундан олдин – тегишли далолатнома);

ер участкасини танлаш бўйича материалларни тасдиқлашга ваколатли бўлган тегишли давлат ҳокимияти органи қарорининг нусхаси;

ер участкасининг топографик-геодезик сурати;

архитектура-режалаштириш топшириғи, I қисм (АРП-I);

муҳандислик тармоқларига уланиш учун техник шартлар;

ташқи муҳандислик коммуникациялари трассаларининг топографик-геодезик сурати;

архитектура-режалаштириш топшириғи, II қисм (АРП-II).

Муҳандислик коммуникациялари трассаларини ётқизиш учун ер участкасини танлаш ҳақида далолатнома ва муҳандислик коммуникациялари трассаларини ётқизиш учун ер участкасини танлаш далолатномасини тасдиқлаш ваколатига эга давлат ҳукумати тегишли органининг қароридан кўчирма нусха бошланғич рухсат бериш ҳужжатлари таркибидан чиқариб ташланди.

Энди буюртмачи йўл хавфсизлиги хизмати органлари, автомобиль йўлларида фойдаланиш хизматлари, темир йўл транспорт, тарих ва маданият ёдгорликларини сақлаш жамияти ва бошқа манфаатдор ташкилотлар билан қўшимча равишда келиши шарт эмас.

Бошланғич рухсат бериш ҳужжатлари капитал қурилиш ва архитектура соҳасида амал қиладиган қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар асосида тайёрланадиган лойиҳа ва тендер ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун зарурлигини эслатиб ўтамыз.

Ҳужжатга бошқа ўзгартириш ва қўшимчалар ҳам киритилган.

2011 йил 18 сентябрдан кучга кирди.

ТЕКШИРУВЛАР ҚОНУН НАЗОРАТИДА

2011 йил 13 сентябрдаги ЎРҚ-295-сон Қонун билан тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текширишлар қисқартирилганлиги муносабати билан Ўзбекис-

тон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Чунончи, «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Қонуннинг (2004 йил 26 августдаги 662-II-сон Қонун билан тасдиқланган таҳрирда) 30-моддасига киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларга биноан, янги ташкил этилган фермер хўжаликларининг молия-хўжалик фаолияти улар давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан **дастлабки 3 йил мобайнида**, акциз тўланадиган товарлар ишлаб чиқарувчи ёхуд бюджет ҳамда марказлаштирилган маблағлар ва ресурслардан мақсадли фойдаланувчи янги ташкил этилган фермер хўжаликларининг молия-хўжалик фаолияти эса – улар давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб 2 йил давомида **режали текширишлардан ўтказилмайди**.

«Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги Қонунга (1998 йил 24 декабрдаги 717-I-сон) киритилган ўзгартиришларга мувофиқ, назорат қилувчи органлар мансабдор шахсларининг хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текширишига энди текширишларни ўтказишга рухсат берилганлиги тўғрисидаги махсус гувоҳнома, шахсий гувоҳнома ва ушбу Қонунда назарда тутилган асослар мавжуд бўлган тақдирда йўл қўйилади (олдин текширишга белгиланган намунадаги махсус гувоҳноманинг ўзи мавжуд бўлгандагина йўл қўйиларди).

Белгиланишича, кичик тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текширишни ўтказиш муддати 30 календарь кундан ошмаслиги керак ва у узайтирилиши мумкин эмас. Қонун билан белгиланишича, текширишни ўтказиш бошланадиган пайт уни ўтказиш учун асос бўладиган ҳужжатлар текшириляётган хўжалик юритувчи субъектга тилхат олинган ҳолда топширилган пайт ҳисобланади. Текшириш натижалари тўғрисидаги далолатнома (маълумотнома) текшириляётган хўжалик юритувчи субъектга топширилган кун текширишни ўтказиш тугаган кун ҳисобланади.

«Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида» (2000 йил 25 майдаги 69-II-сон); «Хусусий корхона тўғрисида» (2003 йил 11 декабрдаги 558-II-сон) қонунлар ва Солиқ кодексига ҳам тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Қонун 2011 йил 14 сентябрда «Халқ сўзи» газетасида чоп этилган кундан бошлаб кучга кирди.

ХАЛҚАРО САЪЙ-ҲАРАКАТЛАР МУВОФИҚЛАШТИРИЛДИ

2011 йил 14 сентябрдаги ЎРҚ-297-сон Қонун билан Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва улар прекурсорларининг қонунга хилоф равишда муомалада бўлишига қарши курашиш бўйича Марказий Осиё минтақавий ахборот мувофиқлаштириш марказини ташкил этиш тўғрисида Озарбайжон Республикаси, Қозоғистон Республикаси, Қир-

ғизистон Республикаси, Россия Федерацияси, Тожикистон Республикаси, Туркменистон ва Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги Битим (Остона, 2006 йил 24 июль) ратификация қилинди.

Наркотик моддалар устидан назорат қилиш бўйича Давлат комиссияси Битим доирасида миллий мувофиқлаштирувчи орган сифатида белгиланди. Ваколатли органлар сифатида: Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Давлат божхона қўмитаси, Бош прокуратура ва Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Наркотик моддаларни назорат қилиш миллий ахборот-таҳлил маркази белгиланган.

Наркотик моддалар устидан назорат қилиш бўйича Давлат комиссияси раисининг ўринбосари – Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Наркотик моддаларни назорат қилиш миллий ахборот-таҳлил марказининг директори Миллий мувофиқлаштирувчилар кенгаши таркибида Ўзбекистон Республикасининг вакили бўлиб қатнашади.

Қонун 2011 йил 15 сентябрда «Халқ сўзи» газетасида чоп этилган кундан бошлаб кучга кирди.

ОЛИМПИА ЗАХИРАСИ УЧУН НОРМАТИВЛАР

Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 9 сентябрдаги «Бадий гимнастика бўйича болалар-ўсмирлар ихтисослаштирилган республика олимпия захираси спорт мактаби фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 253-сон қарори билан, Президентнинг 2011 йил 27 августдаги «Бадий гимнастика бўйича болалар-ўсмирлар ихтисослаштирилган республика олимпия захираси спорт мактабини ташкил этиш тўғрисида» ПҚ-1608-сон қарорини бажариш юзасидан бадий гимнастика бўйича болалар-ўсмирлар ихтисослаштирилган республика олимпия захираси спорт мактаби ўқувчи-спортчиларини:

1 нафар ўқувчи ҳисобига уларнинг эҳтиёжидан ва фойдаланиш муддатидан келиб чиқиб 14 номланишдаги **яшаш учун анжомлар билан таъминлаш нормативлари; озик-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш нормативлари** – 1 нафар ўқувчи ҳисобига бир кунлик миқдори ва калориялиги белгиланган ҳолда 26 номланишдаги озик-овқат маҳсулотлари;

1 нафар ўқувчи ҳисобига фойдаланишнинг чекланган муддатлари кўрсатилган 9 номланишдаги анжом (экипировка, кийим)дан иборат **спорт анжомлари, спорт экипировкаси ва ихтисослаштирилган кийим билан таъминлаш нормативлари** тасдиқланди.

ИМКОНИАТЛАРИ ЧЕКЛАНГАН БОЛАЛАРГА ФАМХЎРЛИК

Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 13 сентябрдаги 256-сон қарори билан ривожланишида турли нуқсонлари бўлган ҳамда даволанишга ва соғломлаштиришга муҳтож бўлган болаларнинг ижтимоий

УШБУ СОНДА:

✓ ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

- Янги ҳужжатларни тақдим этамыз
- Валюталар курси

1-3-бетлар

✓ ТАҲЛИЛ ВА ТАКЛИФ

- Авиачиптани харид қилиш: янги қоидалар
- Нотариус қасамёд қилади

1, 4-бетлар

✓ ЮРИДИК МАСЛАҲАТЛАР

- Қийматни тўлиқ қоплаш ниятида

5-бет

✓ НАЗОРАТ

- Режа-жадвал

6-7-бетлар

✓ РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

8-бет

МДҲ ВА БОЛТИҚБЎЙИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

Мамлакат	Сана	АҚШ доллари		Евро		Россия рубли	
		бирлиги	курси	бирлиги	курси	бирлиги	курси
Озарбайжон	22.09.2011	1	0,7868	1	1,0656	1	0,025
Арманистон	22.09.2011	1	373,94	1	505,53	1	11,71
Беларусь	23.09.2011	1	5515,00	1	7472,27	1	172,83
Грузия	23.09.2011	1	1,6628	1	2,2356	1	5,2108
Қозоғистон	23.09.2011	1	147,50	1	199,41	1	4,62
Қирғизистон	23.09.2011	1	45,199	1	62,3692	1	1,4804
Латвия	23.09.2011	1	0,519	1	0,702804	1	0,0165
Литва	22.09.2011	1	2,5209	1	3,4528	10	8,0269
Молдова	23.09.2011	1	11,7296	1	15,7558	1	0,3664
Тожикистон	22.09.2011	1	4,7673	1	6,5138	1	0,1523
Ўзбекистон	20.09.2011	1	1744,25	1	2389,84	1	57,13
Украина	22.09.2011	100	797,37	100	1087,2937	10	2,5384
Эстония	31.12.2010	1	11,7107	1	15,6466	1	0,383246

Манба: www.prime-tass.ru

ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

кафолатларини таъминловчи чора-тадбирлар самарадорлигини янада ошириш, уларнинг таълим-тарбия олишлари учун мослашув мухитини яратиш, имкониятлари чекланган болалар учун ихтисослаштирилган таълим муассасалари (мактаблар, мактаб-интернатлар)нинг дифференциаллашган тармоқларини мақбуллаштириш мақсадида **Жисмоний ёки психик ривожланишида нуқсон бўлган болалар учун ихтисослаштирилган давлат таълим муассасалари (мактаблар, мактаб-интернатлар) тўғрисидаги низом; Санаторий туридаги ихтисослаштирилган давлат таълим муассасалари (мактаблар, мактаб-интернатлар) тўғрисидаги низом тасдиқланди.** Улар билан ихтисослаштирилган таълим муассасаларининг асосий вазибалари, уларни ташкил қилиш ва ўқувчиларни қабул қилиш тартиби, ўқув-таълим ва даволаш-соғломлаштириш жараёнларини ташкил этиш ва бошқа масалалар белгиланган.

Жисмоний ёки психик ривожланишида нуқсон бўлган болалар учун ихтисослаштирилган давлат таълим муассасалари (мактаблар, мактаб-интернатлар) тўғрисидаги низомга мувофиқ мазкур муассасалар жисмоний ва психик ривожланишида имконияти чекланган, махсус шароитларда таълим-тарбия олишга муҳтож болаларнинг мавжуд контингенти аниқланган тақдирда экологик қулай шароитлар мавжуд жойларда ташкил қилиниши керак.

Ихтисослаштирилган таълим муассасалари ихтисослашувига мувофиқ турларга бўлинади.

Ихтисослаштирилган таълим муассасаларига фақат мактаб ёшидаги (7 ёшдан), тайёрлов гуруҳларига эса – ихтисослаштирилган мактабгача таълим муассасаларига қатнамаган – мактабгача ёшдаги (5 ёшдан 7 ёшгача) болалар қабул қилинади. Бунда Низом билан умумтаълим мактаблари учун белгиланган ёш меъёридан 2 йилга ошган болаларни қабул қилишга рухсат этилади.

Низом билан ихтисослаштирилган таълим муассасаларига қабул қилинмайдиган болалар тоифаси ҳам белгиланган. Ушбу тоифадаги болалар Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг тегишли муассасаларига йўлланади ёки уларга яқка тартибда уйда ўқитиш ташкил этилади.

Санаторий туридаги ихтисослаштирилган давлат таълим муассасалари (мактаб-интернатлар) тўғрисидаги низомга кўра улар ихтисослашувига мувофиқ қуйидаги турларга бўлинади:

сколиоз билан касалланган болалар учун санаторий туридаги мактаб-интернатлар; сил ва нафас олиш органларининг сурункали касалликлари хавфи бўлган гуруҳ болалари учун санаторий туридаги мактаб-интернатлар.

Болалар 7 ёшдан бошлаб қабул қилинади. Мазкур муассасалар ташкил этилаётган жойда даволаш, соғломлаштириш ва махсус шароитларда таълим-тарбия олишга муҳтож болалар контингенти мавжуд бўлиши шарт билан экологик қулай шароитлар мавжуд жойларда ташкил қилинади.

Ушбу муассасалардаги ўқувчиларнинг энг энг кўп сони 250 нафардан ошмаслиги керак.

Ихтисослаштирилган таълим муассасаларида ўқувчиларни таъминлаш ва ўқитиш учун ўқувчиларнинг ота-оналари ва ота-оналарининг ўрнини босувчи шахслардан тўлов ундирилмайди.

ДАВЛАТ АКТИВЛАРИ КИМГА ИШОНИЛАДИ

Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 14 сентябрдаги 258-сон қарори билан Президентнинг «2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислох қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида» (2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-1438-сон) қарорини амалга ошириш муносабати билан ҳукуматнинг айрим қарорларига ўзгартириш ва кўшимчалар киритилди.

Эндиликда республика иқтисодиёти учун

стратегик аҳамиятга эга бўлган хўжалик жамиятларининг устав фондларидаги акциялар (улушлар)нинг давлат пакетлари Президентнинг, Вазирлар Маҳкамасининг ёки Акциядорлик бирлашмалари ва компанияларидаги акцияларнинг давлат улушидан самарали фойдаланилиши устидан мониторинг олиб бориш комиссияси қарорига биноан ишончли бошқарувга берилиши мумкин. Давлатнинг ишончли вакили эса акциялар (улушлар, пайлар)нинг фақат 1 та давлат пакетини бошқаришга ҳақли ва 1 йилдан кўп бўлмаган муддатга, лекин ушбу муддатни узайтириш имконияти билан тайинланади. У хўжалик жамиятининг ижро этувчи органи томонидан амалга оширилаётган жорий фаолиятга аралашинишга ҳақли эмас, қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолатлар бундан мустасно. Давлатнинг ишончли вакилига бошқариш хизматлари кўрсатганлик учун тақдирлаш пули асосий (чораклар бўйича тақсимлаган ҳолда ёки улар бошқарадиган активлардан олинмаган даромадга нисбатан фойдаланган бир йил учун ёзилган суммага) ва мукофот пули (йил натижалари бўйича) тарзида тўланади.

Инвестиция активларининг ишончли бошқаруви шунингдек банк фаолиятини амалга ошириш учун лицензияга эга бўлган тижорат банклари томонидан ҳам амалга оширилиши мумкин. Инвестиция активларининг ишончли бошқарувчисини тақдирлаш ўша тартиб асосида – бошқаришининг самарадорлигига бевосита боғлиқ ҳолда амалга оширилади.

Акциядорлик бирлашмалари ва компанияларидаги акциялар давлат улушидан самарали фойдаланилиши устидан мониторинг олиб бориш комиссияси функциялари хўжалик жамиятларининг устав фондларидаги давлат улуши бўйича дивидендларни ва давлат корхоналарининг соф фойдасидан давлат бюджетига ажратмаларни ҳисоблашнинг прогноз параметрларини белгилаш вазифаси билан тўлдирилди. Бундан ташқари, Комиссияга республика иқтисодиёти учун стратегик аҳамиятга эга бўлган, устав фондларидаги давлат улуши ишончли бошқарувга берилмайдиган хўжалик жамиятлари рўйхатини тасдиқлаш ҳамда давлат ишончли вакиллари ни аттестациядан ўтказишнинг Давлат мулки кўмитаси томонидан тасдиқланадиган тартибини келишиш ҳуқуқи ҳам берилган.

Давлат корхоналари муассасалари соф фойданинг бир қисми ёки бутун фойдани олишда Комиссия томонидан белгиланадиган бюджетга ажратмаларнинг прогноз параметрларидан фойдаланишлари керак.

Корхоналарнинг ички аудит хизмати ходимларига қўйиладиган талабларга тузатиш киритилди:

охирги 10 йилнинг камида 2 йилида бухгалтерия ҳисоби, аудит, молия ёки солиқ назорати соҳасида амалий (шу жумладан ўриндошлик бўйича) иш стажига эга бўлиш; **ички аудиторнинг сертификатига (олдин – аудитор сертификатига) эга бўлиш;**

Ўзбекистон олий таълим муассасаларида ёхуд Ўзбекистондаги таълимга тенглиги эътироф этилган хорижий давлат таълим муассасасида олинган олий **иқтисодий маълумотга эга бўлиш.**

Ички аудит хизмати ходимларини сертификатлаш тартиби аудиторларнинг республика профессионал жамоатчилиги бирлашмалари томонидан, Молия вазирлиги билан келишган ҳолда белгиланади. Хизмат ходимларининг сони корхонанинг кўзатиш кенгаши томонидан белгиланиши, бироқ сертификатланган 2 нафар ички аудитордан кам бўлмаслиги керак (олдин ходимларнинг энг кам сони корхона активларининг баланс қўймати миқдоридан келиб чиқиб белгиланган).

Ҳужжат билан бошқа ўзгартириш ва кўшимчалар ҳам киритилган.

ИШОНЧЛИ БОШҚАРУВЧИГА ХИЗМАТ ҲАҚИНИ ТўЛАШ ТАРТИБИ

Молия вазирлиги, Давлат мулкни бо-

шқариш давлат кўмитасининг қарори (АВ томонидан 2011 йил 9 сентябрда 2263-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Давлат улушларини ишончли бошқариш ва акциядорлик жамиятларини бошқаришда иштирок этиш махсус ҳуқуқи («олтин акция») бўйича давлат вакиллари хизмат ҳақи тўловларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди. Низом давлат улуши ишончли бошқарувга берилган (давлат ва хўжалик бошқаруви органларига берилган ҳоллар бундан мустасно) акциядорлик жамиятлари, масъулияти чекланган ва кўшимча масъулиятли жамиятларга ҳамда давлатнинг иштирок этиш махсус ҳуқуқи («олтин акция») жорий этилган акциядорлик жамиятларига татбиқ этилади. Ишончли бошқарувчиларга хизмат ҳақини тўлаш учун маблағлар манбаи ҳисобот йилидаги давлат улуши бўйича давлат бюджетига тушган дивидендлар ҳисобидан шаклланади.

Ишончли бошқарувчиларга хизмат ҳақини тўлаш учун мўлжалланган, ҳисобот йилида давлат бюджетига тушган давлат улуши бўйича дивидендлар етарли бўлмаганда ёки улар тушмаган (ҳисобланмаган) тақдирда, хизмат ҳақини тўлаш учун хусусийлаштиришдан тушган умумий маблағларнинг бир қисмидан фойдаланилади.

Низомда шунингдек ишончли бошқарувчилар ва давлат вакиллари хизмати ҳақи тўлаш ҳисоб-китоблари тартиби назарда тутилган бўлиб, тегишли формулалар келтирилган.

Белгиланишича, **ишончли бошқарувчиларга** ҳисобот чораги учун хизмат ҳақи тўлови ва йил якуни бўйича мукофот қуйидаги ҳолларда амалга оширилмайди: белгиланган муддатларда давлат улушини бошқариш фаолияти бўйича ҳисоботларни топширмаган ёки тўлиқ топширмаган ва дивидендларнинг тегишли қисми тўланганлиги тўғрисидаги тўлов топшириқномалари нусхаларини (агар тўловлар амалга оширилган бўлса) тақдим этмаган ҳолатда; аввалги чоракка нисбатан давлат улушига ҳисобланган дивидендлар бўйича муддати ўтган қарздорлик кўпайганда; ишончли бошқарув шартномаси кучга киргандан бошлаб олти ойдан ортиқ вақт ўтганда зарарлар мавжуд бўлса.

Давлат вакилларига йил якуни бўйича хизмат ҳақи қуйидаги ҳолларда тўланмайди: белгиланган муддатларда ҳисоботларни топширмаган ёки тўлиқ топширмаганда; давлат вакили томонидан ҳисобот йили давомида давлат томонидан акциядорлик жамиятларини бошқаришда иштирок этиш махсус ҳуқуқи («олтин акция»)дан фойдаланиш тартиби бўйича қонун ҳужжатлари талаблари бузилганлиги аниқланганда.

2011 йил 19 сентябрдан кучга кирди.

ЧЕГИРИШЛРСИЗ ЯГОНА ИЖТИМОЙ ТўЛОВ

Молия вазирлиги, Давлат солиқ кўмитаси, Марказий банк бошқарувининг қарори (АВ томонидан 2011 йил 9 сентябрда 2262-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Ягона ижтимоий тўловни тақсимлаш, шунингдек харажатларни қоплаш бўйича суммаларнинг тўланишини ва юридик шахсларнинг давлат ижтимоий сугуртаси харажатлари бўйича тўловларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди. Низомда белгиланишича, доимий равишда хорижда истикомат қилувчи ва ташкилотларда фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартномалар бўйича ишловчи хорижий давлатлар фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар ҳамда Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг даромадларидан (иш ҳақларидан) ЯИТ ва мажбурий сугурта бадаллари ҳисобланмайди.

ЯИТ юридик шахслар томонидан бола туғилиши муносабати билан, дафна нафа-

2011 йил 3 сентябрдан 16 сентябргача бўлган даврда қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қисқача шарҳларини «Нотга» МЧЖ юрисконсульти Абдурахмон БАХТИЕВ тайёрлади.

қалар тўланиши, уй-жой-коммунал хизматлари бўйича берилмайдиган имтиёзлар ўрнига тўланадиган компенсация пул тўловлари, ишловчи пенсионерларга пенсиялар, 16 ёшгача бўлган ногирон болаларнинг ота-оналарига қўшимча дам олиш кунларига ҳақ тўлаш, болалар соғломлаштириш лагерлари ва санаторий-профилакторийларнинг тутиб турилишига бирор-бир чегиришларсиз ҳисоблаб ёзилган сумманинг тўлиқ ҳажмида ўтказилади.

Ҳужжатда «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ пенсия жамғармаси харажатларини қоплаш бўйича суммаларни тўлаш тартиби батафсил келтирилган. Мисол учун, юридик шахслар томонидан Қонуннинг 12-моддаси «б» – «ж» бандларига мувофиқ тайинланган пенсияларни тўлашга бўлган харажатларни қопловчи тўловларнинг ҳисоблаб ёзилиши ҳисобот йили якунига кўра амалга оширилади ва ҳисоб-китоб ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 15 январидан кечиктирмасдан туман (шаҳар) давлат солиқ инспекцияларига тақдим этилади. Маблағ тўланиши худди шу муддатда амалга оширилади.

Шунингдек Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлимлари юридик шахсларнинг талабномаси бўйича ишлайдиган пенсионерларга пенсия, нафақалар, компенсациялар, 16 ёшгача бўлган ногирон боласи бор ота-оналарга қўшимча дам олиш куни учун тўловларини молиялаштиради.

Низомда бошқа масалалар ҳам тартибга солинган.

2011 йил 19 сентябрдан кучга кирди.

АҚШ ДОЛЛАРИ КУРСИ БўЙИЧА КОНСУЛЛИК ЙИГИМИ

Ташқи ишлар вазирининг буйруғи (АВ томонидан 2011 йил 14 сентябрда 2264-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Консуллик йиғимлари тарифини АҚШ доллари курсига нисбатан қайта ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди. Унда белгиланишича, консуллик йиғимлари Ўзбекистон Республикасининг



консуллик йиғимлари тарифига мувофиқ АҚШ долларида, бошқа эркин алмаштириладиган валютада ҳамда Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ ёки ўзаро тенглик принципларига риоя қилиш асосида ваколатхоналар жойлашган давлатларнинг миллий валютасида (миллий валюта эркин алмаштириладиган валюта бўлмаган жойларда) тўланади.

Консуллик йиғимлари тарифи учун тўланадиган валюта тўғрисида буйруқ дипломатик ваколатхона раҳбари томонидан чиқарилади. Консуллик йиғимлари тарифининг валютадаги тўловини қайта ҳисоблаш учун Ташқи ишлар вазирлиги билан келишилган ҳолда дипломатик ваколатхона раҳбари томонидан консуллик йиғимларининг қайта ҳисобланган ҳисоб-китоб курси ўрнатилади. У бошқа мамлакатлар томонидан Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун белгиланган консуллик йиғимлари миқдори бўйича ўзаро тенглик принцигига риоя қилиниши ва миллий валюта курсининг АҚШ долларига нисбатан ўзгариши натижасида консуллик йиғимларидан олинмайдиган даромадлар камайишининг олдини олишни таъминлайдиган даражада белгиланади.

2011 йил 24 сентябрдан кучга кирди.

АВИАЧИПТАНИ ХАРИД ҚИЛИШ: ЯНГИ ҚОИДАЛАР



1-бетда 224-сон қарорнинг 1-бандига кўра маълумот учун қабул қилинган, жўнатиш пункти ҳам, тайинланган пункт ҳам Ўзбекистон Республикасидан ташқарида жойлашган авиаташувлар участкаларига тааллуқли қисмида авиакомпаниялар ва уларнинг агентлари томонидан авиачипталарни Ўзбекистон Республикасининг резидентлари ҳамда норезидентларига фақат чет эл валютасида реализация қилиш тўғрисидаги меъёр Ўзбекистон Республикаси резидентлари учун 2002 йил 28 июндан амал қилади, 2003 йил 8 январдан эса у норезидентларга ҳам татбиқ этилган.

Куйидаги вазиятни кўриб чиқамиз. *Ўзбекистон Республикаси резиденти Тошкент–Москва–Женева–Москва–Тошкент йўналиши бўйича авиачипта харид қилади. Унга авиачипталарни қандай валютада – сўм ёки ЭАВда – сотишлари керак?*

Ушбу саволга жавобнинг икки варианти бўлиши мумкин. Биринчи вариант – Тошкент–Москва–Тошкент йўналиши қисми бўйича авиачипта сўмга сотилади, унинг иккинчи қисми (Москва–Женева–Москва) эса ЭАВда сотилади.

Дастлаб қараганда ушбу жавоб қанчалик мантиқли бўлиб туюлмасин, бошқача талқин қилиниши ҳам мумкин.

У Ҳаво кодексининг (1993 йил 7 майдаги 863-ХII-сон ЎРҚ) 94-моддасига таянади:

Аэропортлар ва Ҳаво транспортида ташувчилар томонидан бажариладиган йўловчилар, қўл юки ва юкни белгиланган манзилга етказишни бевосита амалга ошириш билан боғлиқ тадбирлар ва операциялар мажмуи **Ҳаво транспортида ташиш** деб ҳисобланади.

Ҳаво кемасининг жўнаш, қўниш манзили ва назарда тутилган барча оралиқ қўниш манзиллари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган парвози чоғида бажарилган ташиш ишлари **Ҳаво транспортида ички ташиш** деб ҳисобланади.

Ҳаво кемасининг парвоз давомида янги юк олган-олмаганлигидан ёки парвозда танаффус бўлган-бўлмаганлигидан қатъи назар жўнаш ва қўниш манзиллари:

а) икки давлат ҳудудида;
б) агар бошқа давлат ҳудудида оралиқ қўниш манзили (манзиллари) назарда тутилган бўлса, бир давлат ҳудудида бажариладиган парвозлари чоғидаги ташиш ишлари **Ҳаво транспортида халқаро ташиш** деб ҳисобланади.

Яъни авиаташиш тўғрисидаги ҳужжатларда қайта юклаш участкалари ёки танаффуслар бор-йўқлигидан қатъи назар, **жўнатиш пункти авиаташишнинг бошланиши ва тайинланган пункт авиаташишнинг охири бўлиб ҳисобланади.**

Яъни Тошкент–Москва–Женева–Москва–Тошкент йўналиши доирасида, Москва ва Женевада қайта юклаш участкалари (бошқа самолётга ўтказиш) ёки танаффус бўлиши бўлмастлигидан қатъи назар, мазкур халқаро авиаташишни расмийлаштириш чоғида жўнатиш пункти ва тайинланган пункт бўлиб Тошкент ҳисобланади. Бинобарин, мазкур йўналишда **Ўзбекистон Республикаси резидентларига** чиптани Ўзбекистон Республикасининг миллий валютаси – сўмда реализация қилиш мумкин.

Яна бир вазиятни кўриб чиқамиз. *Ўзбекистон Республикасининг ҳудудида Ўзбекистон резиденти Тошкент–Москва йўналиши бўйича темир йўлда ташиш ва Москва–Женева–Москва–Тошкент йўналиши бўйича авиаташиш чиптасини харид қилади.*

Мазкур ҳолда, авиаташиш ҳужжатларида тайинланган пункт Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашганлигидан қатъи назар, мазкур йўналиш бўйича **авиачиптани** Ўзбекистон резидентига реализация қилиш, бизнинг фикримизча, 224-сон қарорнинг 2-бандига кўра, **чет эл валютасида амалга оширилади**, чунки бутун авиаташишнинг жўнатиш бошланғич пункти Ўзбекистон Республикасидан ташқарида жойлашган.

Шу муносабат билан янги жорий этилган талабларни амалда қўллаш хусусида бир қатор саволлар туғилади.

Уларнинг энг асосийси – авиачипталарни аниқ шахсларга реализация қилиш тўғрисидаги қонидани қандай талқин қилиш керак? Мисол учун, бугунги кунда жуда кенг тарқалган вазиятни олайлик. Қўшма корхона ўзининг чет эллик ходимини хизмат сафарига юбормоқчи ва, масалан, Тошкент–Берлин–Тошкент йўналиши бўйича авиачипта харид қилиш ниятида. Бунинг учун у авиакомпания (унинг ваколатхонаси, агенти) билан бундай амалиёт учун стандарт бўлган шартнома тузади, унга кўра ўз ходими бўлган йўловчини ташиш бўйича хизматларни харид қилиш ва уларга ҳақ тўлаш, авиакомпания (ижрочи) эса мазкур шахсни ташиш мажбуриятини оладилар. Корхона шартлашилган пул маблағлари суммасини авиакомпания ҳисобварағига ўтказиши. У эса, ўз навбатида, корхонанинг буюртманомаси бўйича аниқ жисмоний шахс номига чиптани расмийлаштиради. Савол туғилади: корхона мазкур вазиятда чиптага ҳақни миллий валюта – сўмда тўлашга ҳақлими ёки у чиптани чет эл валютасига харид қилиши шартми?

Ушбу саволга жавобнинг бир нечта варианти мавжуд.

Биринчиси. Мазкур ҳолда учинчи шахс фойдасига хизматлар кўрсатиш тўғрисидаги умумий шартнома ва авиаташиш шартномасининг элементлари мавжуд бўлган аралаш шартнома тузилади. Бунда расман ташиш хизматларининг олувчиси бўлиб корхона ҳисобланади, унинг ўзи хизматларга ҳақ ҳам тўлайди. Бунда мазкур хизматларни корхона фақат ўзининг эҳтиёжлари учун харид қилади, чунки ходимни хизмат сафарига жўнатиш ва авиаташиш ушбу корхона муайян ходимининг шахсий манфаатларини кўзлаб буюртирилмайди. **Корхона** бизнинг ҳудудимизда рўйхатдан ўтказилган, шу сабабли «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги Қонун (2003 йил 11 декабрдаги 556-II-сон Қонун таҳририда) 4-моддасининг тўртинчи хатбошисига мувофиқ **резидент ҳисобланади.** Йўловчи хизматлар кўрсатиш шартномасининг тарафи ҳисобланмайди, ташишга у ҳақ тўламайди, шу сабабли унинг резидент ёки резидент эмаслиги мўҳим эмас. Ушбу мулоҳазалардан шундай хулоса чиқади – кўрилаётган вазиятда **юридик шахс миллий валюта – сўмда ҳақ тўлашга ҳақлидир.**

Иккинчиси. Ташишга юридик шахс буюртма берганлиги ва ҳақини тўлашидан қатъи назар, барибир авиачипта бўйича **жисмоний шахс – норезидент**, яъни мазкур юридик шахс ходими **учади.** Хулоса: **корхона ҳақни фақат чет эл валютасида тўлаши керак.**

Ушбу хулоса амалдаги қонун ҳужжатлари билан ҳам асосланиши мумкин. Фуқаролик кодексининг 710-моддасига кўра йўловчи ташиш шартномаси бўйича ташувчи йўловчини, йўловчи багаж топширган бўлса – багажни ҳам белгиланган манзилга

Шу тариқа, ҳозир 224-сон қарор билан жорий этилган талабларни бир хилда тушуниш ва талқин қилиш мумкин эмаслиги сабабли, эҳтимол ўз валюта маблағларига эга бўлган юридик шахслар улардан ҳисоб-китоблар учун фойдаланишдан хавфсиз райдилар, чунки бундай операцияларни назорат қилувчи ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари қандай баҳолашлари, буни валюта тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш деб ҳисоблашлари ёки ҳисобламасликлари маълум эмас. Бундай маблағларга эга бўлмаганлар эса валютани банкка мурожаат қилиб, ички бозорда сотиб олишлари керак. Бироқ ҳозир импорт контрактлари бўйича конвертация боряпти, бироқ ҳудудимизда резидентлар ўртасида тузиладиган битимлар ҳақини тўлаш учун чет эл валютасини харид қилишда қандай йўл тутиш керак?

Агар иккинчи талқинга амал қилсак, 224-сон қарорни тўлақонли рўёбга чиқариш, юқорида айтилган вазиятларни бир хилда талқин қилиб бўлмастлиги туфайли авиачипталарни реализация қилишнинг белгиланган тартиби беихтиёр бузилишига йўл қўймаслик (ушбу ҳуқуқбузарликлар жуда жиддий санкцияларга сабаб бўлиши мумкин), шунингдек меъёрий тартибга солишнинг аниқ бўлиши ва амалиётда янги қондаларни бир хилда қўллаш учун қонун ҳужжатларига:

юридик шахс – резидент ўзининг ходими – норезидент учун авиачипта харид қилганида чет эл валютасида ҳақ тўлаш талаби қўлланиши ёки қўлланимаслиги тўғрисида аниқлаштириш киритилиши;

ўзларининг чет эллик ходимлари (норезидентлар) учун авиачипталар харид қилганда резидент юридик шахсларга ҳисоб-китобларни чет эл валютасида бажаришга **рухсат берувчи** меъёр киритилиши;

авиачипталар харид қилиш учун чет эл валютасидан фойдаланиш тартиби ва шартларини назарда тутиш;

жўнатиш пункти ва тайинланган пункт Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган, бироқ йўналиш доирасида янги юк ортиш (йўловчиларни бошқа самолётга ўтказиш) ёки парвозда танаффус қилиш пунктлари мавжуд бўлган йўналиш бўйича авиачипталарни реализация қилиш қоидалари аниқ белгиланиши;

ҳуқуқни қўллаш амалиётига айтиб ўтилган меъёрларни реализация қилишнинг аниқ-пухта механизмини жорий этиш керак бўлади.

«Norma» МЧЖнинг эксперт хизмати.

НОТАРИУС ҚАСАМЁД ҚИЛАДИ

Энг аввало таъкидлаш керакки, 1996 йил 26 декабрда қабул қилинган «Нотариат тўғрисида»ги Қонун (кейинги ўринларда – Қонун) нотариат институтининг ҳуқуқий мақоми ва фаолияти билан боғлиқ масалаларни пухта белгилаб берган асосий ҳужжатлардан ҳисобланади. Бу соҳа ўтган йиллар давомида янада такомиллаштириб борилди.

Айниқса 2010 йилни нотариат институти ислоҳ қилиш йили бўлди, десак ҳеч муболага бўлмайди. Зеро, мазкур йилда нотариат соҳасида амалга оширилган самарали ислохотлар натижасида қонун ва қонуности ҳужжатларига кўплаб ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Хусусан, республика Президентининг 2010 йил 5 майдаги «Ўзбекистон Республикасида нотариат институти янада такомиллаштириш чоралари тўғрисида»ги ПФ-4216-сон Фармонининг қабул қилиниши бу соҳада амалга оширилган ишларнинг мантиқий давоми бўлди. Фармонга мувофиқ республикамизда хусусий амалиёт билан шу-

ғулланувчи нотариуслар фаолияти 2010 йил 15 майдан тугатилди.

Фармон ижроси юзасидан қабул қилинган Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 2 июндаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида нотариат институти янада такомиллаштириш чоралари тўғрисида» 2010 йил 5 майдаги ПФ-4216-сон Фармонини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида» 104-сон қарори билан нотариал округлардаги эҳтиёжни инobatга олиб, қўшимча 220 та давлат нотариал идоралари ва 229 та нотариус лавозимлари жорий этилди.

Шундан сўнг 2010 йил 14 сентябрда

«Адлия органлари ва муассасалари фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг ЎРҚ-255-сон Қонуни қабул қилинди. Унга биноан бир қатор қонун ҳужжатларига, шу жумладан «Нотариат тўғрисида»ги Қонунга ҳам ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Хусусан, янги таҳрирдаги Қонунда нотариат тушунчасига куйидагича таъриф берилди: «Ўзбекистон Республикасида нотариат қонунларда назарда тутилган нотариал ҳаракатларни ҳамда улар билан бевосита боғлиқ ҳуқуқий ва техник тусдаги ҳаракатларни нотариуслар томонидан амалга ошириш йўли билан жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлашга даъват этилган ҳуқуқий институтдир».

Нотариатга берилган мазкур таъриф илгариги таърифдан куйидаги жиҳатлари билан ажралиб туради:

а) нотариусларнинг қонунларда назарда тутилган ҳуқуқий ва техник тусдаги ҳаракатларни содир қилиши белгиланди;

б) нотариуснинг жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлашга даъват этилган ҳуқуқий институт экани қатъий мустаҳкамлаб қўйилди.

Шунингдек, Қонуннинг 1-моддасидан нотариуслар бўлмаган аҳоли пунктларида нотариал ҳаракатларни фуқаролар йиғинларининг раислари амалга ошириши ҳақидаги норма чиқариб ташланди. Нега деганда, нотариал ҳаракатларни амалга ошириш махсус юридик билимларни талаб қилади. Айнан шу сабабли ҳамда фуқаролар ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни янада такомиллаштириш мақсадида махсус ҳуқуқий билим ва малака талаб қиладиган барча нотариал ҳаракатлар нотариуслар томонидан амалга оширилиши мустаҳкамланди. Ушбу

ҚИЙМАТНИ ТЎЛИҚ ҚОПЛАШ НИЯТИДА

? Мен шаҳарнинг марказий кўчасида жойлашган, шаҳар ҳокимлигининг режасига кўра бузиладиган уйлardan бирининг эгасиман. 2 ойча аввал шаҳар ҳокимлигининг компенсация сифатида менга шаҳарнинг эски микрорайонларидан бирида 2 хонали квартира ажратилиши тўғрисида хабарномасини олдим. Ҳозирги пайтда менинг турар жой майдони 70 кв. метрни ташкил қилади, бир неча сотих майдонли ер участкаси, 2 ҳаммом, молхона ҳамда кўплаб мевали дарахтим бор. Мен шаҳар маъмурлари таклиф қилаётган компенсация микдорига рози эмасман.

Мол-мулкни бозор қиймати бўйича баҳолаш учун шахримиздаги мустақил баҳоловчиларни бирлаштирган МЧЖга мурожаат қилдим. Бироқ уларнинг айтишларича, республикамизда ер участкаси ва бузилаётган уйни баҳолаш имконини берадиган услубият мавжуд эмас экан. Шаҳар суд экспертизасида ишлайдиган баҳоловчи мутахассис ушбу уйлари бозор қиймати бўйича ҳеч ким баҳоламаслигини олдиндан айтиб ўтди.

Нима қилишим мумкинлигини айтсангиз. Кимга мурожаат қилишим ва ўз ҳуқуқларимни қандай ҳимоя қилишим лозим?

Хурмат билан Р.Солиҳов.
Қарши ш.



— Ер участкалари давлат ёки жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши муносабати билан уйи (квартираси) бузилиши лозим бўлган фуқароларни турар жой билан таъминлаш тартиби Уй-жой кодекси (бундан кейин — УК) билан белгиланган. Мазкур масалага Кодекснинг бир қатор моддалари (27–31-моддалар) бағишланган. Хусусан, Кодексда белгиланишича, ер участкалари давлат ёки жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши муносабати билан фуқаролар мулкида бўлган уйлар (квартиралар) бузилган тақдирда мазкур фуқароларга, уларнинг оила аъзоларига, шунингдек ушбу уйларда (квартираларда) доимий яшаётган фуқароларга уларнинг хоҳишига бинонан ва тарафлар келишувига кўра барча қулайликлари бўлган, аввалгисига ТЕНГ ҚИЙМАТЛИ уй-жой майдонининг ижтимоий нормасидан кам бўлмаган саҳнадаги бошқа турар жой мулк қилиб берилади ҳамда дов-дарахтларнинг қиймати тўланади ёхуд бузилаётган уй, бошқа иморатлар, иншоотлар ва дов-дарахтларнинг қиймати тўланади. Бузилаётган уйнинг (квартиранинг) қиймати берилаётган турар жойнинг қийматидан ортиқ бўлган ҳолда бу фарқ мулкдорга компенсация қилиниши лозим (УКнинг 27-моддаси).

Ер участкалари давлат ёки жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши муносабати билан фуқароларнинг мулкида бўлган уйлар (квартиралар) бузилганда мазкур фуқароларга, уларнинг оила аъзоларига, шунингдек ушбу уйларда (квартираларда) доимий яшаётган фуқароларга уларнинг хоҳишига кўра яқка тартибда уй-жой қуриш учун бел-

гиланган норма доирасида ер участкаси берилади. Бунда ер участкасини ўзлаштириш даврига икки йилгача муддат билан ижара шартномаси асосида вақтинча уй-жой берилиб, бузилаётган уйлар (квартиралар), иморатлар, иншоотлар ва дов-дарахтларнинг қиймати тўлиқ қопланади (УКнинг 28-моддаси).

Фуқаролар ва юридик шахсларнинг хоҳишига кўра уларга мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган, бузилиши лозим бўлган уйлар, иморатлар ҳамда иншоотлар қўчирилиши ва янги жойда тикланиши мумкин (УКнинг 30-моддаси).

Уйлари (квартиралари) бузилиши лозим бўлган фуқаролар ва юридик шахслар учун уларнинг хоҳишига кўра янги жойда уйлар, иморатлар барпо этилади ҳамда уларга мулк қилиб берилади. Бунда бузилаётган уйлар (квартиралар), иморатларнинг қиймати пул билан қопланмайди (УКнинг 31-моддаси).

Ер участкаси ёки унинг бир қисмини олиб қўйилишнинг батафсил тартиби, шунингдек ер участкалари давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши муносабати билан бузиладиган турар жой ва бошқа иморатлар, иншоотлар ва дарахтлар учун қоплам микдорини ҳисоб-китоб қилиш тартиби Давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан фуқароларга ва юридик шахсларга етказилган зарарларни қоплаш тартиби тўғрисидаги низом¹ (бундан кейин — 97-сон Низом) билан белгиланган.

97-сон Низом бузиладиган кўчмас мулк баҳолашнинг назарда тутаркан, ер участкалари олиб қўйилиши муносабати билан

фуқаролар ва юридик шахсларга қоплаш чоғида аниқланадиган мол-мулк қиймати турини белгиламайди.

«Баҳолаш фаолияти тўғрисида»ги Қонуннинг (бундан кейин — Қонун) 4-моддасига мувофиқ мол-мулк қийматини баҳолаш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига лицензияси бўлган баҳоловчи ташкилотлар баҳолайдилар. Бундай лицензияни Давлат мулки кўмитаси беради.

Қонуннинг 11-моддасида мажбурий баҳолаш ҳоллари белгиланган. Чунончи, низо юзага келганда, шу жумладан мулкдорлардан мол-мулк давлат эҳтиёжлари учун сотиб олинаётганда ёки қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқача тарзда олиб қўйилаётганда баҳолашнинг мажбурийлиги назарда тутилади (мулкнинг қийматининг маҳаллий ҳокимият органлари томонидан баҳолашнинг қўшилмаслигини ҳам шунга киритиш мумкин).

